2004 YIL 24 FEVRAL, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 26. (6.707). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА:

ТОМИР ОТАЁТГАН ИЛЛАТ
(1-2-саҳифаларда)


МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР
(1-2-саҳифаларда)

АДАШЛАР
(1-4-саҳифаларда)

# ПРЕЗИДЕНТЛАР МУЛОҚОТИ

**Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан Полша Республикаси Президенти Александер Квасневский рафиқаси билан 21 феврал куни Тошкентда тўхтаб ўтди. Яқиндагина таъмирдан чиққан «Тошкент-2» аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди.**



Шу ернинг ўзида икки мамлакат Президентларининг музокараси бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Александер Квасневский Ўзбекистон-Полша муносабатларига оид долзарб масалалар, томонларни қизиқтирган қатор халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашди.

Президент А.Квасневский 2002 йил октябрда мамлакатимизга ташриф буюрганида Ўзбекистон билан Полша ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи кўплаб ҳужжатлар имзоланган эди. Бу ҳужжатлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан бирга, турли иллатларга қарши баҳамжиҳат курашиш учун ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг 2003 йил июл ойида Полшага расмий сафари ўзаро муносабатларни яна бир бор олий даражада таҳлил этиш, истиқболни белгилаш учун қулай имконият яратди. Ташриф давомида иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 2003 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми уч баравардан кўпроқ ошди.

Президент А.Квасневскийнинг бу галги қисқа муддатли ташрифи чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилар экан, икки томонда ҳам ҳали кўпгина имкониятлар ишга солинмаётгани таъкидланди. Президентлар бу борада тегишли ташкилотларга зарур топшириқлар беришга, ишбилармонларнинг ўзаро бевосита мулоқотини янада кенгроқ рағбатлантиришга келишиб олдилар.

Икки мамлакат раҳбарлари мулоқот қисқа бўлганига қарамай, жуда самарали кечганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу учрашувнинг яна бир жиҳатига эътибор қаратиш жоиз. А.Квасневскийнинг Тошкентда тўхтаб ўтиши мамлакатларимиз ўзаро муносабатларни нечоғли қадрлашидан, ҳамкорликни ривожлантиришга интилишидан, Президентларнинг самимий дўстлигидан далолатдир. Мазкур мулоқот Ўзбекистоннинг Европа ва Осиё ўртасидаги ўзига хос ишончли кўприк вазифасини бажариши ҳақидаги фикрлар қанчалар асосли эканини, мамлакатимизнинг нуфузи халқаро майдонда тобора кенгроқ эътироф этилаётганини ҳам тасдиқлайди.

Полша раҳбари Президент Ислом Каримовнинг таклиф ва кўрсатмалари асосида таъмирланиб, янада жозибадор ва муҳташам бўлган «Тошкент-2» аэропортининг илк меҳмони бўлди.

Юртбошимиз мажмуанинг ҳар бир безаги ва ишловини диққат билан кўздан кечирди. Мазкур мажмуа юксак мартабали меҳмонларни кутиб олиш, турли форматдаги учрашувлар, матбуот анжуманлари ўтказиш учун мўлжалланган.

- Бу даргоҳ мамлакатимиз остоналаридан биридир. Бу ерга қадам қўйган ҳар бир меҳмон Ўзбекистон ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиши, юртимизга хос миллий руҳни ҳис этиши керак, - деди Ислом Каримов.

Катта зал тўридаги деворга юртимизнинг тарихи, бугуни ва келажагини акс эттирувчи улкан панно ишланган. Президент таъбири билан айтганда, унинг марказидаги Ҳумо қуши миллатимиз бахти ва иқболининг тимсоли, очиқ эшиклар тасвири эса Ўзбекистон дунё учун очиқлигига ишорадир.

Мамлакатимиз раҳбари аэропорт ишини янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

**(ЎзА)**

***

**СУРАТДА: учрашув пайтидан лавҳа.**

Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда солиқ органларининг 2003 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасида солиқчилар олдига қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.**

# СОЛИҚ - ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов сўзга чиқди. У иқтисодий соҳадаги қонунбузарликларга қарши курашиш, иқтисодни, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташқи товар интервенциясидан ҳимоя қилиш, давлат молия тизими барқарорлигини таъминлаш ва миллий валютамиз қадрини мустаҳкамлаш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан эканини таъкидлади.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев ана шу йўналишда солиқ органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, давлат бюджетига солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида ундириш бўйича кўрилаёган чора-тадбирлар юзасидан маъруза қилди. Бу борада муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, бозорлар фаолиятини тартибга солиш, чакана савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаларида нақд пул айланиши устидан назоратни кучайтириш, қарзларни ундириш, яширин бизнесга қарши курашиш, текширишларни мувофиқлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда бу борадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли мутасаддиларга аниқ кўрсатмалар берилди.

Бу борада ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, мамлакат иқтисодий қудратининг асосий манбаи бўлган солиқ ва тўловларга нисбатан ҳар бир фуқаронинг онгли муносабатини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Соҳада ҳар томонлама етук ва билимли кадрларни кўпайтириш, ходимлар касб маҳорати ва маънавий камолотини ошириш, айниқса, муҳимдир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси С.Раҳимов, Бош вазир ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**




**● Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг пленуми бўлиб ўтди. Унда хўжалик судларининг 2003 йилдаги фаолияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама этилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.**

**● Пойтахтимиздаги халқаро бизнес-марказда Япония ҳукуматининг кичик ҳажмли ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида навбатдаги шартномавий грант имзоланди.**

**● Республика олимпия захиралари коллежида спорт тайёрлов йўналиши ўқув муассасаларида спорт фаолияти ва ўқув жараёнини такомиллаштириш ҳамда хўжалик ишларини мувофиқлаштиришга бағишланган амалий-услубий семинар бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки кенгаши ва бошқарувининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Ҳиндистон - ўзбек рассомлари ижодида» кўргазмаси очилди.**

**● «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг вилоят бўлими ширкат ва фермер хўжаликларига лизинг асосида ўттизта «ТТЗ-80-11» трактори етказиб берди.**

**● Германиянинг «PFAFF SINGER» савдо уйи Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда «PFAFF SINGER - Ўзбекистоннинг энг ёш иқтидор эгалари» танловини эълон қилди.**

**● Тошкентда «ORZU-OSH TUZI» шўъба корхонасида йодланган ош тузи ишлаб чиқарувчи янги замонавий технология линияси ишга туширилди.**

# КУТУБХОНАДАГИ КЎЗБЎЯМАЧИЛИК

МУАММО

**Шаҳрисабз туманида бўлдик. Маданият ишлари бўлими мудири Бозор Болтаев билан шаҳардаги марказий кутубхоналарни кўздан кечирдик. Ўқув зали, китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими ва бошқа шоҳобчалар ходимлари билан гурунглашдик.**

Айрим китобхонлар билан суҳбатлашганимизда Шаҳрисабздаги кутубхоналарнинг бир қисми яхши таъмирланмагани, ишлаш учун шароит етарли бўлмаган биноларда жойлашганлигини афсус билан гапириб беришди. Аммо, маданият ишлари бўлими мудири бундай маданият масканларини бизга кўрсатишдан ўзини олиб қочганлиги кишини ҳайрон қолдиради.

Кутубхонага муносабат Сурхондарёнинг айрим туманларида бироз яхшиланган бўлса-да, ҳамон нуқсонлар учраб турибди. Хусусан, Қизириқ ва Бандихон туманларида кейинги ўн йиллар мобайнида бирорта маданият саройи ёки кутубхона қурилиб ишга туширилмаган. Нега раҳбарлар данғиллама маъмурий биноларни қуришдан чарчамайдилару, бирорта маданият ва санъат маскани бунёд этишни хаёлларига ҳам келтиришмайди? Эҳтимол, шу туманлар раҳбарлари кутубхоналарга бош суқиб ҳам кўришмас-а? Маънавиятга, китобхонлар сонини кўпайтиришга муносабат, айниқса қишлоқ жойларда сусайиб кетганлигига нега улар бепарво?

Аввалги йиллари Сурхондарёда ўттиздан ошиқ китоб дўконлари бор эди. Уларнинг ҳар бирида беш-ўн мингталаб китоб бўлганлигини айтмайсизми? Қани ўша дўконлар? Ё, китоб, бадиий асарларни мутолаа қилувчи кишилар камайиб кетдими?

Бироқ, китобхонлар сони ҳақида эмас, улар учун жойларда китоб савдоси дуруст эмаслиги тўғрисида ачиниш билан гапиргингиз келади. Туманлардаги китоб дўконларининг кўпчилиги нотўғри хусусийлаштирилганлигини айтмайсизми? Мисол учун, Қизириқ туманидаги китоб дўкони эндиликда китоб сотишдан бутунлай воз кечди. Термиз шаҳридаги ўнтадан ошиқ китоб дўконидан атиги тўрттаси бор, холос.

Энг ташвишлиси, Парда Орипов раҳбарлик қилаётган китоб савдоси ташкилоти иши кўнгилдагидек эмас. Бу идоранинг Жарқўрғондаги китоб дўконида бўлганимизда сотувчи китобларга нарх қўймаганлигини, ҳатто касса аппарати ўрнатилмаганлигини кўриб, ҳайрон қолдик. У китобларни ўзи истаган нархда сотаётир.

Мисол учун, Матлуба Тўлаева мудиралик қилаётган дўконда "Эзоп масаллари" китоби 250 сўмдан пулланмоқда. Зинаида Данилова мудиралик қилаётган дўконда эса шу китоб 210 сўм туради. Ахир, иккала дўкон ҳам битта идорага – Парда Орипов раислик қилаётган вилоят китоб савдоси масъулияти чекланган жамиятга қарашли-ку?

Шу жамиятнинг базаларида ҳамда китоб дўконларида айни пайтда 30 миллион сўмлик китоб чангга ботиб, айримлари сичқонларга ем бўлиб ётибди.

Мисол учун, Зинаида Данилова мудиралик қилаётган дўконда тўрт-бештагина бадиий асар бор, холос. Хорижникини қўя турайлик, ҳатто ўзбек шоир ва адибларининг яхши асарларини бу ердан излаб ўтириш бефойда.

Жамиятнинг Какайдидаги китоб дўкони савдо қоидаларига риоя қилмаганлиги, Қизириқдаги китоб дўкони эса китоблар ҳеч кимга керак бўлмай қолганлиги туфайли ёпилиб қоляпти. Вилоят матлубот савдоси ташкилотининг шу тумандаги китоб дўкони хусусийлаштирилиб, нусха кўчириш ташкилотига айлантириб юборилган. Шеробод туманидаги дўкони эса валюта алмаштириш пунктига айлантирилибди. Тавба, наҳотки, ҳеч кимга китоб керак бўлмай қолган бўлса?

Нимагадир айрим жойларда бадиий китобларнинг қадри тушиб кетгандек. Сурхондарё ва Қашқадарёдаги мактабларнинг, ўқув юртларининг кутубхоналарига кирсангиз, бадиий асарларни излаб юрманг. Барибир битта-иккита тузукроғини топа олмайсиз.

-Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли мактабларнинг кутубхоналари учун китобларни тегишли вазирлик юборяпти, - дейди Парда Орипов. – Энди мен омборларимизда ётган 30 миллион сўмлик дарсликни нима қилишни билмай, бошим қотган. Жарқўрғондан бошқа яна 12 та туманда умуман китоб дўкони оча олганимиз йўқ. Республика Вазирлар Маҳкамасининг китоб савдосини яхшилашга тааллуқли 279-қарорини умуман бажара олмаяпмиз. Сабаби, китоб ўқийман, деган мижозларимиз кам.

Китоб зиёли учун ҳам, оддий деҳқон учун ҳам нақадар тотли, энг азиз неъмат. Бироқ, қишлоқларда буни унутиб юбораётганлар ҳам оз эмаслиги кўнгилни хира қилади.

**Жовли ХУШБОҚ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# САДАҒАНГ КЕТАЙ, ОҚИБАТ

ЭЙ, УМРИ АЗИЗ

***Биз оқибатли инсон деймиз. Ҳаётда бундай инсонлар оз эмас. Бироқ улар ўзларини оқибатлиман, дейишмайди. Чунки улардаги бу хусусиятни ўзлари эмас, ўзгалар англашади. Оқибат – инсоний фазилатнинг юксак даражаси.***

Ўтган йилнинг ёзида Тошкент вилоятининг Қибрай туманида 75 ёшдан ошган Саидносир деган бир танишим вафот этди. Жуда ажойиб, камтарин, ҳалол-пок, ўзини болалардек тутадиган содда инсон эди. Қизлари ва ўғиллари уйли-жойли бўлиб кетган. Охирги беш-ўн йилда у кишининг кампири гоҳ ўғилларининикида, гоҳ қизларининикида ҳафталаб, ойлаб қолиб кетиб ва невараларилари билан овора бўлиб, чолини қаровсиз қолдирди. Отанинг ҳоли не кечаётганлигини фарзандлар ҳам ўйламай қўйишди. Саидносир ота кўпинча иссиқ овқатсиз қолар, кирларини бировларга ювдирарди. Ота уйида қарайдиган одам бўлмагани учун ҳар йили рўзасини Тошкент шаҳридаги масжидларда тутарди. Ҳатто таниш-билишларининг уйига борса ҳам, бировга малол келмасин, деб ўзининг нони билан бир чақмоқ новвотини белига тугиб борарди. Агар меҳр-оқибатдан гап очсангиз, кўз ёшлари селдек оқарди, лекин ҳасрат қилмасди, на кампиридан ва на фарзандларидан нолирди. Тўғриси, ўзгаларга меҳри баланд бу инсоннинг ўзи меҳрга муҳтож эди. У меҳр-оқибатни ўзгалардан эмас, ўз фарзандларидан кутарди.

Яқинда фарзандлар ўлган отанинг йил ошини беришди. Жонлиқ сўйилди, катта дошқозонда ош дамланди, дастурхонга қўйилган ноз-неъматлардан кўз қамашади, маъракага бутун бир қишлоқ аҳолиси айтилган.

(Давоми 2-бетда)

МУТОЛАА

# ЧЎЛПОН ҲАҚИДА РОМАН

***Яқинда таниқли адабиётшунос олим Наим Каримовнинг "Чўлпон" номли маърифий романи нашрдан чиқди.***

Шуни алоҳида айтиш зарурки, бадиий асарнинг битилмаган бир қонуни бор: асарга киритилган ҳар бир образ ўзлигини, ғояни ёритишдаги вазифасини талаб қилади. Шу нуқтаи назардан "Чўлпон"да ғоявий юкламаси йўқ даражадаги персонажлар анчагина бор. Аммо Наим Каримов персонажларни ўзига хос тасвирлашга, ўсиш-ўзгаришда кўрсатишга интилган.

Романдаги тиниқ тимсоллардан бири - Солиҳадир. У тагли-тахтли оила фарзанди, сурати ҳам, сийрати ҳам гўзал хилқат.

(Давоми 4-бетда)

# СИГАРЕТФУРУШЛАР

АТТАНГ

***Автобусга бир қўлида қоғоз қути, бошқасида сумка кўтарган аёл чиқиб, чорловини бошлади.***

-Сигарета бор, сигарета...

-Донага борми, - сўради орқа ўриндиқда ўтирган 15-16 ёшлардаги ўсмир.

-Ҳа, бор. Қай биридан...

Сотувчи аёл харидорнинг сигаретасини ёқиб бергач, яна ишида давом этди.

-Сигареталарнинг "оригинал"лари бор...

Деярли ҳар куни шу каби манзарага дуч келамиз, лекин негадир кўрмасликка оламиз. Ёҳуд аҳамиятсиз нарсадек қўл силтаймиз. Аслида муаммонинг илдизи шу ерда эмасми? Яшириб нима қилдик, кўча-кўй, бекатларда, қўйингки одам тўпланадиган ҳар қандай жойда мўъжазгина стол қўйиб, тамаки маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётган "бизнесмен"лар фаолиятига аллақачон кўникиб қолганмиз. Ҳатто аксариятимиз уларнинг мижозига ҳам айланиб улгурдик.

-Вақтингизни йўқотиб дўконга бормайсиз, ҳам 50-100 сўм арзон, - дейди ўзини Олимжон деб таништирган йигит. – Ёшим 24 да. Салкам 7 йилдан буён чекаман. Тўғрисини айтсам, ҳар доим ҳам кўчадан олавермайман. Ётоқхонамиз қоровули ҳам сотади. Ҳозир тугаб қолибди.

-Нима учун чекасиз? - сўраймиз ундан.

-Шунчаки, ўрганиб қолганман, - дейди у бепарвогина.

Англаган бўлсангиз керак, суҳбатдошимиз ҳали талаба, ётоқхонада яшайди. Бу каби ёшлар ота-онасидан узоқда бўлгани боис хоҳлаймизми-йўқми, барибир назоратдан четда қолади. Аслида бу ёшдаги йигит-қизлар мустақил фикрли шахс сифатида шаклланган бўлиши керак. Аммо бугунги талабаларнинг ҳаммасини ҳам бу тоифага кирита олмаймиз. Негаки, улар билан суҳбатлашсангиз, бу борада нўноқлиги сезилиб қолади.

(Давоми 2-бетда)

ИЗЛАНИШ

# ЭЪТИБОРГА МОЛИК ЯНГИЛИК

***Томорқасида ғўзанинг янги навини яратиш устида ишлаган киши ҳақида ҳеч эшитганмисиз?***

Жондор туманидаги Ҳазорман қишлоғида яшовчи Қудрат Қўшшаев мана, 14 йилдирки, ўз томорқасида илмий изланишлар олиб боряпти. Айни пайтда тумандаги 11-ўрта мактабда биология фанидан сабоқ бераётган қишлоқ муаллимининг узоқ йиллик меҳнати зое кетмади.

-1990 йили мактабимизда пахтачилик тўгараги очгандим, - дейди у. – Шунда ғўзанинг эртапишар, ҳосилдор навини яратишга қизиқиш уйғонди. Ғўзанинг турли навлари устида чатиштириш ишларини амалга ошира бордим.

(Давоми 3-бетда)

# ХОРАЗМЛИК КОМИЛЛАР

МЕРОС

***Оқшом бўлганлигидан ҳамманинг кўзи "зангори экран"да. Машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов "Лазги" куйига қўшиқ хониш қилмоқда...***

Ҳамманинг кўзи экранда, хаёли қўшиқда, кўнгилларида ҳаяжон ва умид... Комилжон ака яна куйлашда давом қилармикан! Шу пайт ўтирганлардан бири жимликни бузди.

"Комилжон ака зўр шоир, ҳозиргина айтилган ашуланинг сўзини ҳам ўзи ёзган экан". Кимдир билағонлик қилди. "Йўқ, ғазал Комил Хоразмий деган шоирники"...

Нима сабабдандир узоқ йиллик ўша хотира дилимда жонланди-ю, "Комил" исми билан боғлиқ фикрларни қоғозга тушира бошладим.Ҳақиқатдан ҳам Хоразмда "Комил" исми қачон ва қандай пайдо бўлган? Воҳада ҳозирда ҳам "Комилов" деган фамилия учрамайди. Комил исмини биринчи бўлиб олган киши бу – Комил Хоразмийдир.

(Давоми 4-бетда)

BANK
ХАЛҚ БАНКИ
сизнинг
оилангиз банки

КЕЛГУСИ СОНДА:
БОҒЧА СОТИЛДИ ВА... ЁПИЛДИ
ФАРҒОНАДА НИМА ГАП?
НАФС

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## КЎНГИЛДА "АЙБ" ЙЎҚ ЭКАН...

***Бу воқеа анча йиллар илгари содир бўлган. Ёшлик экан. Баҳром ҳарбий хизматдан қайтганидан кейин бир ҳафтадан сўнг отаси Ялғош ака билан онаси Мисқол опага "дард"ини ёрди. Могилёвда унинг "юрагини ўғирлаган" белорус қизи - қуралай кўз Надежда интиқ бўлиб кутаётгани, тезда изига қайтмаса иложсизлигини тушунтирди...***

Баҳромнинг бу "дарди"ни тинглаган Мисқол опа йиғи-сиғи қилди. «Дугонам Дурмоҳнинг қизини икки йилдан бери сенга қаратиб турувдик, нима деган одам бўлдик», деб дув-дув кўз ёш тўкди. Ялғош ака эса ич-ичидан оғир "уҳ" тортиб қўйди. Начора, ўғлининг раъйини қайтаришнинг ҳеч имкони йўқ. Болаларнинг "бўйи етган"дан кейин кўнглига ҳам қулоқ солиш керак экан-да...

Шунда... ҳовли эшиги тақиллади. Ҳамсояси Чорибобо Ялғош аканинг отини айтиб чақирди. "Меҳмонлар келди, пешвоз чиқ, Ялғош", деди.

Эскигина ҳаворанг "Жигули"дан уч киши ва бир қиз тушди. Барваста, баланд бўйли русийзабон киши "Бахром Ялгашевич здесь живёт?", деб кириб келса борми? Ҳанг-манг бўлиб қолган Мисқол опа ичкаридан Баҳромни чақирди. Баҳром қўлида кимнингдир суратини ушлаганича ҳаллослаб чиқди. Не кўз билан кўрсинки, суюклиси уйи остонасида кўзлари жовдираб турибди. Улар бир-бирларига кўз билан талпиндилар. Ҳовлида қуёш билан ой бир йўла нур сочгандай бўлди. Эртаси ўтиб Баҳром билан Надежданинг висол тўйи бўлди. Бир тўй бўлдики, Файзобод қишлоғи бунчалик чиройли тўйни кўрмаган эди...

Беш ўғил, бир қизнинг ота-онаси бўлган Баҳромбой билан Надежда опалар яқинда невара тўй беришди. Надежда опа Могилевдаги ота-онаси, яқин дўстларини ҳам шу тўйга чорлади. Тўйда меҳмонлар шундай ўйинга тушдиларки, даврадаги ҳамманинг уларга ҳаваси келди. Ўзбек "Ёр-ёр"ига белорус оҳанглари қўшилиб, севги, муҳаббат, садоқат, вафо мадҳ этилди.

**Сафарали ЭШМИРЗАЕВ**

## ҲАММОМДАГИ АЖИНА

***Бу – бўлган воқеа. Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида яшовчи дўстларим айтиб беришган.***

Берунийлик Собирвой уйланганига икки йилдан ошадики, ҳадеб уйига кеч келаверди. Баъзи пайтлар эса тунда аллақаерлардадир қолиб кетади. Хуллас, баҳона кўп. Ўртоқлари буни яхши билишади – Собирвойнинг машуқаси бор. У куни-тунни шу жувон билан ўтказади. Уйда келиннинг кўзи тўрт бўлиб кутаверади.

Бир куни Собирвой ичиб олиб мақтанибди: "Мен хотиндан қўрқмайман... Гаров ўйнайман, Гулсумни (машуқаси) уйимга ҳам олиб бораман..."

Келин онасиникига кетган пайтда Собирвой машуқасини уйга олиб келди. Шумроқ дўсти келинга телефон қилиб, уйда Собирвой алаҳсиб ётганини айтди. Ярим тунда келин уйга югурди. Бемаҳалда ҳовли эшиги тарақлади. Типирчилаган Собирвой машуқасини ҳаммомга яширди. Эшикни очиб, хотинига пешвоз чиқди. Ҳансираган Собирвойни кўриб келин дарҳол уйга етаклади. Ўрнига ётқизди.

-Сизга нима бўлди?

-Жин чалди. Кўзимга ажина кўринди...

Келин "эрим қаттиқ қўрқибди", деган ўй билан ҳаммом айвонидаги жумракдан совуқ сув олиб келгани югурди. Эшикни очиб чинқириб юборди-да, гурсиллаб қулади. Ҳаммомдаги жувон ялангоёқ бўлиб ҳовлини оралаб қочди. Бир зумда келиннинг ота-онаси келди. Ака-укалари йиғилди. Келин ўзига келгач, бўлган воқеани айтди. Кекса ота-она ярим кечаси бировнинг ҳаммомида бегона аёл нима қилади, деган ўй билан қизини ҳам жин чалганга йўйишди. Муллага одам юборишди.

Фақат бу ҳолатни кузатиб турган Собирвойнинг дўстлари Нурилло ва Муҳаммад ерга қараб, қиқир-қиқир кулишарди. Ранги-рўйи гезарган Собирвой эса уларга еб қўйгудай бўлиб қарарди.

## "АНАКОНДА БОЛАМ, ЯХШИМИСАН..."

***Нурилло табиатан ҳазилкаш. Доимо бирор ғалати воқеани бошлаб юради. Шундай бўлса-да, хотинидан чўчийди. Янгамулло зириллатади уни.***

Анакондани кўпчилик яхши билади; Яъни улкан бўғма илон дегани. Аччиқланса, гоҳида хотинига: «Сен Анакондасан! -дейди».

Бир куни дўстининг уйига борди. Гурунг қизиди. Даврада дўстининг отаси, қишлоқдан келган Ҳасан ота ҳам бор эди.

Нурилло оиласи ҳақида гап кетганда ҳа деб "Анаконда келинингиз ундай, Анаконда келинингиз бундай", деб чолга гапираверди. Чол ҳам хотинининг исми Анаконда экан-да, деб ўйлади.

Ош дам егунга қадар мезонбга Нурилло ташқарини айланиш истагини билдирди. Улар чиқишгач, телефон жиринглади. Гўшакни оладиган одам йўқ. Телефон гўшагини чол кўтарди.

-Алло, ким бу, сенга нима керак, болам?

-Мен... Мен... Нурилло акам керак... Нурилло акамнинг оиласиман. У киши шу ердамилар?

-Эй, ҳа, Анаконда қизим, яхшимисан? Эринг ҳозиргина ташқарига чиқди. Соғлигинг дурустми, Анаконда қизим?

Гўшак бир лаҳза жим турди... Сўнг жувоннинг уф тортгани ҳамда гўшакнинг чўзиқ овози эшитилди.

Остонада капалаги учган кўйи бош ирғаб Нурилло турарди.

## "ОВИ" ЮРИШМАДИ

***Ўқиш баҳона раис катта шаҳарга келди. Пули кўп. Еди. Ичди. Ресторанннинг "сайгули"сида яйради. Керилиб, ҳиқиллаб чиқди емакхонадан. Хўроз бўлиб у ёқ-бу ёққа бўй чўзиб қўйди. Баҳор ҳам кепти. О, қаранг-а, кўча тўла қиз-жувон.***

Меҳмонхонанинг зўрини танлади. Юқори қаватдан жой олди. Кўнглига шайтон оралади. Ширакайф. Кўнгил ножўя ишни тусади. Кеч кирди

Қўнғироқ қилиб "такси" чақирди. Шаҳар айланди. Йўл четида қимтиниб турган икки қиз ёнида "такси"ни тўхтатди. Орқа ўринда чайқалиб қизларга гап отди. Қизлар ҳам машинага ўтириб олишди.

-Раис бово, яхшимисиз. Янгам яхшими? Укаларим омонэсонми? Уйга қайтаётувдик. Вокзалга бораяпмиз. Сессияни тугатдик, - деди қизлардан бири бобиллабгина.

Раис ялт этиб қаради. Кайфи учди. Эсанкиради. Ҳамқишлоғи, ТошМИда ўқийдиган Шоҳида.

-Сиз ҳам қишлоққа кетаяпсизми, раис бово?

-Ҳа, қишлоққа, йўғ-е, ҳа-я қишлоққа... – деди ғудраниб ва ҳайдовчига "вокзалга юр", деб буюрди.

Ҳайдовчи халқи анчагина сезгир ва "қитмир" бўлади. "Йўлимиз тескари бўлса-да, энди шу... келишилган пулни берсангиз, майли..." деди мийиғида кулиб.

Вокзалга етгач раис тушмади. "Меҳмонхонада ҳужжатим қолиб кетибди", - деб баҳона қилди. Ва ҳайдовчига заҳрини сочди:

-Нега қараб турибсиз? Юрмайсизми?

-Қаерга?

-Меҳмонхонага!

**Мақсуд ОРЗИЕВ**

---

# САДАҒАНГ КЕТАЙ, ОҚИБАТ

(Боши 1-бетда)

Саидносир отанинг бундан олдинги маъракалари ҳам шундай ўтган эди. Отани яхши билган қишлоқ қариялари йил ошида ўтириб, ўғилнинг фарзандлик бурчи ҳақида мунозара қилишар экан, отага тириклигида оқибат кўрсатишнинг савобларини таърифлаб беришди.

Мен ибрат бўлсин учун бир салбий мисол-



ни келтирдим. Аслида ҳаётда оқибатли фарзандлар кўп. Бизнинг келажагимизни ана шундай фарзандлар белгилайди. Айниқса, оқибат эшиклари очилган бу йилда оқибатли фарзандлар ўз ота-оналарининг дуоларини олишларига ишонамиз.

Оққўрғон туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги ҳудудида бир кекса ўқитувчи яшайди. У олтмишинчи йилларда шу тумандаги ҳозирги "Оққўрғон" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган 27-ўрта мактабда дарс берганди. Пенсияга чиққанига ҳам кўп йиллар бўлди. Бир куни ҳозир у яшаётган қишлоққа ёшлари элликдан ошган бир гуруҳ эркак ва аёллар кириб келишди.

-Анвар ота Холбековнинг уйи қайси? – деб сўрашди улар тўғри келган одамдан.

Уйни кўрсатиб қўйишди. Улар ҳовлига бостириб киришди:

-Ассалому алайкум, муаллим!

Ҳовлида иш қилиб юрган Анвар ота ҳайратдан қотиб қолди ва бир пайт ўзига келиб деди:

-Ҳай, сен, ҳалиги дарсдан қочиб кетадиган Абдураҳмонмисан?!

-Худди ўзиман.

-Ё тавба, ўзгариб кетибсан, ичимдагини топ эдинг, ҳозир сўзамол кўринасан? - Анвар ота шундай деб бошқа шогирдига юзланди: - Сен Файзулла бўлсанг керак?

-Шундай.

-Ҳозир қаердасан?

-Самарқанд томонда, Тойлоқ туманида яшайман, - дейди Файзулла ва сўзида давом этади: - Бир пайтнинг ўзида иккита келин туширмоқчиман, тўй куни белгиланса, келиб сизни ўзим олиб кетаман.

-Мана бу Абдуғани, таниб турибман, - дейди устоз шогирдига тикилиб. – Сен ҳам бошқа вилоятга кўчиб кетдингми?

-Йўқ, ҳозир ҳам олдинги "Оққўрғон" совхозидаман, энди ширкат хўжалиги бўлган.

-Нима иш қиласан?

-Ўқитувчиман.

-Яхши, нонинг ҳалол экан.

Анвар Холбеков шогирдларини номма-ном айтиб бағрига босар экан, бирортасининг ҳам исмини адаштирмасди: Эрали, Абдимўмин, Мирзааҳмад, Ҳабиба, Тожихол, Пардабой...

Булар Оққўрғон туманидаги 27-ўрта мактабнинг 1965-1966 ўқув йилидаги битирувчилари. Улар бундан тўрт йил олдин бир-бирлари билан хабарлашиб, хат ёзишиб, бир жойга тўпланишди ва олтмишинчи йиллар бошида она тили ҳамда адабиётдан дарс берган севимли ўқитувчилари Анвар Холбековни излаб топиб, ҳар йили икки марта биргаликда хабар олиб туришга қарор қилишди. Юқорида биз 2000 йилда юз берган биринчи учрашувни тасвирладик. Шундан бери анъана давом этаяпти. Шогирдлар ҳар йили икки марта бир жойда тўпланиб, биргаликда устознинг хонадонига боришади.

Бундан ташқари, улар устозни ўзларининг тўй-маъракаларига ҳам олиб кетишади. Ҳозир шогирдларнинг ўзлари эллик бешдан ошиб, олтмишга яқинлашиб қолишди. Шунга қарамасдан, устоз олдида ўзларини ўқувчидек ҳис этишади. Анвар Холбековнинг қалб севинчини эса тасвирлаш қийин. У яшаётган қишлоқ аҳолиси ҳам шогирдларнинг устозга кўрсатаётган оқибатларидан таъсирланиб, уларга ҳавас назари билан боқмоқда. Бу кекса ўқитувчининг қишлоқдаги обрўсини яна ҳам ошириб юборди.

Оқибатли қўшни қариндошдан афзал бўлади. Баъзан ёнма-ён яшайдиган қўшнингиз қай даражада оқибатли эканлигини билмаслигингиз мумкин.

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги Янгиҳаёт қишлоғида яшардик. Сония опа деган бир қрим татар қўшнимиз бор эди. Ёши етмиш бешларда. Қариндош-уруғлари Қримга кўчиб кетишди. Бироқ қўли калталик қилиб Сония опа кўчиб кетолмади. "Чолимни шу ерга кўмдим, шу ерда қоламан", деди у. Бирам истараси иссиқ, ширинсўз, меҳрибон ва меҳмондўст момоки, асти қўяверасиз. Суҳбатлашсангиз, дилингиз яйрайди.

Биз Тошкентга кўчадиган бўлиб қолдик. Борадиган жойимизни қоғозга ёзиб бердим. У биз билан йиғлаб-сиқтаб хайрлашди. Ҳали орадан бир ой ўтмасдан Лабзакдаги уйимизга Сония опа кириб келди. Қўлида бир парча қоғоз, чарчаганидан ҳаллослаб зўрға нафар оларкан, кўзлари ёшланиб дейди:

-Сизларни соғиндим, невараларимни кўргим келди.

-Қандай топиб келдингиз бу ерни?

-Учта таксига чиқдим, мана бу ўзинг ёзиб берган қоғозни таксичиларга кўрсатиб, сўраб-суриштириб топдим. Сизларни кўрдим, меҳрим қонди, энди бироздан кейин кетаман, уйим ёлғиз қолди, - деди Сония опа.

Уни кўндиролмадик. Меҳр-оқибатга тўла кўзлари билан боқиб дейди:

-Ҳар ойда бир марта пенсия олганимда келиб, сизларни кўриб кетаман.

-Аксинча, - дедик биз унга, - ҳар ойда икки марта биз бориб, сизни кўриб турамиз, шунга розимисиз?

-Илоё, менга ўхшаб оқибатли бўлинглар! – деди Сония опа йиғлаб дуо қиларкан.

Тўғриси, Сония опадек оқибатли қўшниларни кўрганингда ҳаётни, одамийликни, дунёни бошқача тасаввур қиласан. Оқибатли инсонлар борки, ҳаёт гўзал, дунё тинч, эзгулик барҳаёт.

Оқибатли инсонлар жамиятимизнинг фахрли аъзолари. Улар ҳаётимизга кўрк бағишлайди. Оқибат инсонни эзгуликка чорлаганидек, давлатни ҳам эзгу ишларга бошлайди. Биз Ўзбекистон ҳукуматининг "Меҳр ва мурувват йили" дастурида ана шундай ишларнинг аниқ мақсад ва йўналишларини кўрдик. Уларни амалга оширишда иштирок этиш ҳар



биримиздан юксак масъулият ва оқибат талаб этади. Оқибатли бўлсаккина, мақсадга эриша оламиз. Бугун мамлакатимизда оқибатнинг эзгулик эшиклари очилган экан, ундан савоб билан киришни ният қилайлик.

Садағанг кетай, оқибат!

**Иброҳим НОРМАТОВ**

---





**Сирдарё вилоятидаги "Бахтселмаш" Белорус – Россия – Ўзбекистон қўшма корхонасида қишлоқ хўжалиги техникаларининг ҳайдов ва чопиқ агрегатлари учун эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилади. Тайёрланаётган маҳсулотларга эҳтиёж катта.**

**СУРАТЛАРДА: 1) муҳандис Анохин Сергей, тобловчи Игор Кутовой; 2) шакл берувчи Абдурасул Орипов.**

Б.АКРАМОВ олган суратлар.

---

***Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг матбуот хизмати томонидан журналистлар учун семинар ўтказилди. Анжуман иштирокчилари Чирчиқ шаҳридаги Олий танк қўмондон муҳандислик билим юрти ва Тошкент ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактаби ҳаёти ва фаолияти билан танишдилар.***

## БЎЛҒУСИ ЗОБИТЛАР ҲУЗУРИДА

Билим юртида олти мутахассислик, яъни танк қўшинлари ва ҳаво-десанти қўшинлари командирлари, муҳандислик таркиби, тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосарлари, офицерлар тайёрланади.

Анжуман давомида Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннопжон Аҳмедов, полковник Ботир Мирзамуҳамедов, полковник Жуманиёз Раматов ва бошқалар Қуролли кучларда ўтказилаётган ислоҳотлар, мудофаа соҳасида қабул қилинган янги қонунлардаги ўзгаришлар, давлат ва ҳарбий сирларни сақлаш тўғрисида журналистларни хабардор қилишди. Шунингдек, семинар иштирокчилари сафарбарлик чақирув резерви хизматига жалб қилинганларнинг ўқув ва хизмат жараёнлари билан таништирилди.

**Дилдора ТОИРОВА, "Туркистон-пресс"**

---

СУВ - БУ ҲАЁТ

## ҚУШЛАР ҚАЙТДИ ЯНА МЎЙНОҚҚА

***Гапнинг ростини айтганда, Орол денгизининг аҳволи ҳали ҳам яхши эмас. Денгизнинг сув қоплаган майдони йилдан-йилга қисқариб, янги – Оролқум саҳроси кенгайиб бораётир.***

Мамлакатимизда балиқ маҳсулотларини қайта ишловчи катта имкониятга эга бўлган Мўйноқ шаҳридаги корхоналар ўз фаолиятини тўхтатмоқда, ускуналар сотилмоқда. Ўз даврида мингга яқин киши меҳнат қилган Мўйноқ балиқ консерва комбинатининг иморатлари яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда. Қўнғирот, Қозоқдарё, Учсойдаги балиқ заводлари, балиқ сақлайдиган ўнларча йирик музлатгичлардан айни пайтда номнишон йўқ.



Лекин шу ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан, бошқа жойларга кўчиб кетишмади.

Мана икки йилдирки Мўйноққа Амударёдан оби-ҳаёт оқиб келмоқда. Аниқроғи, 2002 йил май ойида дастлаб Мўйноқнинг жанубидаги "Дарёлик"га сув келиб тушди. Одамларда яна келажакка ишонч уйғонди.

Амударёнинг ушбу қуйи ҳавзасидаги сув тармоқларга ажралган ҳолда Оролга қуйиларди. Сувсизлик туфайли ана шу ҳудуддаги "Довудкўл", "Жилтирбас", "Сарибас", "Домалак", "Шоикўл" сингари юзлаб кўллар қуриди. Эндиликда Аму ва Сирдарёлар тўлиб-тошиб, Орол денгизига сув етказиб бериши гумон.

Шунинг учун Амударёдан оқиб келаётган сувнинг денгизга оқизилишини тўхтатиб шу ҳудуддаги кўлларда сақланиб қолинишининг чора-тадбирларини кўриш лозим. Чунки бу сув денгизга етиб бормасдан қумликларга ва тўқайларга сингиб кетади. Оз миқдорда оқиб келаётган сувни эса Мўйноқ атрофидаги кўлларга оқизиб, ҳудуддаги экологик вазиятни яхшилаш керак. Натижада кўлларни қайта "тирилтириб" чорвачиликни ривожлантириш, балиқчилик ҳамда ондатра-қушчилик хўжаликларини қайта тиклаш имкони туғилади.

Маълумки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1994 йил Нукус шаҳрида Орол денгизи ҳавзасида экологик вазиятни яхшилашга бағишланган конференцияси катта аҳамиятга молик бўлди. Ушбу тадбирда Орол денгизи ҳавзасида экологик ва ижтимоий ҳолатларни яхшилаш бўйича амалга ошириладиган ишлар дастури қабул қилинди. Унга биноан Орол денгизи ҳавзасида узоқ муддатли стратегик юмушларни ҳаётга татбиқ этиш учун Марказий Осиё давлатларига техникавий, молиявий кўмаклар бериш тавсия қилинади.

Аммо дастурда кўрсатилган глобал масалаларни ҳал этиш фақат бизнинг мамлакатимиз чекига тушди ҳисоб. Сабаби, бу ерда қилинаётган ишларнинг мутлақ кўп қисми Ўзбекистон Республикаси бюджети ҳисобидан бўлаётир. Фақат халқаро аҳамиятга молик Судочье кўлини тиклашга Голландия ҳукумати ва шу мамлакатнинг табиатни ҳимоя қилувчи жонкуярлари амалий ёрдам берди.

Амунинг қуйи қисмидаги ҳавзасида узунлиги 40 километрлик сувни сақлаб қолувчи ва 1800 метр бўлган сувни тартибга солиб турувчи иншоотлар мамлакатимиз томонидан бунёд этилди. Натижада ушбу сув омборида 200 миллион кубдан зиёд сув жиловланиб, "Гогекўл", "Мўйноқ ҳавзаси" кўлларини сув билан тўлдиришга киришилди.

Бу йирик ва ноёб иншоотнинг фойдаланишга топширилиши натижасида Мўйноқ атрофларидаги ўнларча кўллар сув билан лиммо-лим тўлиб, бу ерларда яна файзли ҳаётни жонлантирди. Эндиликда Мўйноқ туманида ҳам яна турли қишлоқ хўжалик экинлари экила бошланди. Чорвачилик озуқаси кўпайди. Илгари кетиб қолган паррандаю даррандалар яна қайтиб келиб бу ерларни макон тутдилар.

Шунингдек, ўтган йили сентябрда Амударёнинг қуйи қисмидаги сунъий сув омборини кенгайтириш ва қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Бу иншоотнинг тўлиқ қурилиб, фойдаланишга топширилиши учун бир миллиард 802 миллион сўм маблағ сарфланади. Иншоот қурилиш-монтаж ишларининг бош пудратчиси қилиб, Оролни қутқариш Халқаро жамғармасининг Нукус филиали тайинланди. Қурилиш ишларини эса "Сув қурилиш" очиқ турдаги акционерлик жамияти қурувчилари жадаллик билан олиб бораётир.

Ушбу иншоот қурилиб ишга туширилгач, Орол денгизи ҳавзасида яшаётган аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади, халқ хўжалиги ривожланади, Мўйноқнинг балиқчилик шуҳрати қайта тикланади, минг-минглаб янги иш ўринлари яратилади.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

---

# СИГАРЕТФУРУШЛАР

(Боши 1-бетда)

Балки ёшлар ўртасида ҳар хил ножўя ҳолатларнинг учраётганига ҳам сабаб шудир. Фикримиз нечоғли тўғри ё нотўғрилигини билиш мақсадида Талабалар шаҳарчасида кузатувимизни давом эттирдик. Дастлаб бозорча томон йўл олдик. У ерга етмасдан ҳар қадамда битта стол. Бозор растаси дейсиз. Яқинлашишингиз билан сотувчи аёлларнинг бири қўйиб, иккинчиси маҳсулотнинг "тоза"сини таклиф қилади. Кўз олдимизда уч нафар 13-14 ёшлар чамасидаги болалар келиб "PINE" сўради. Иккинчи столда ўтирган аёл чаққонлик қилиб, ўн дона сигаретасини пуллади. Харидор болалар бирор антиқа нарса топиб олгандек югуриб кетишди. Шу пайт яна мижоз келди. Ташқи қиёфаси талаба эканлигини айтиб турган йигит сигарета қутиларини кўздан кечира бошлади.

-Ука, "тоза"си бу, қозоқдан олиб келганмиз.

Бу гапни эшитган харидорнинг кўнглида ортиқча шубҳа қолмади шекилли "PINE"дан битта қути олди.

-Бир кунда неча дона чекасиз,-суҳбатга тортаман уни.

-Ҳар хил, - дейди Қувонч исмли бу талаба. – Айрим пайтлари битта почкасиям етмай қолади.

-Нима учун чекасиз?

-Сиқилиб кетаман...

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Кунига ўртача бир қути сигарета чекилса, бу бир ойда ўттиз қути дегани. Ҳар бирига 500 сўмдан сарфланганда – 15 минг сўм бўлади. Устига-устак пулга қўшилиб соғлик ҳам йўқотилса...

-Айрим кишилар 10-15 йилдан буён чекаман, лекин зарарини сезмаяпман-ку, дейишади. Бу ташқаридан қараганда шундай, - дейди С.Раҳимов туманига қарашли 32-оилавий поликлиниканинг биринчи тоифали шифокори, терапевт Ўғилой Примова.-Ваҳоланки, ҳақиқий асоратни вақтинча сезишмайди. Аслида чекувчиларнинг бошқаларга қараганда сурункали бронхит, пневмания каби касалликларга чалиниши ўта юқори бўлади. Мунтазам тамаки истеъмол қилиш оқибатида ўпка тўқимасида патологик ўзгаришлар рўй бериб, ҳатто бронхиал астмани келтириб чиқариши мумкин. Афсуски, буни кўпчилик англаб етмаяпти. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаларига хизмат кўрсатиш менга юклатилгани боис ётоқхоналарда, факультетларда тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Бироқ, барибир бу иллат ёшлар орасида кенг қулоч очиб бораётгани кишини ташвишга солади. Сабабини суриштирганимизда, кимдир қизиқишдан, яна кимдир бекорчиликдан, шунчаки эрмакка чекишини айтади. Яқинда бир талаба пушаймонлигини айтиб, маслаҳат сўради. Очиғи хурсанд бўлдим.

Шу тобда ўйга толасан, киши. Бу ҳолат балки ўсмирларнинг ўтиш давридаги руҳий кечинмалари билан боғлиқдир. Буни психологлар қандай изоҳлашади?

-Тўғри, чекишга бўлган қизиқиш асосан ўсмирлик даврида бошланади, - дейди психолог Лутфулла Турсунов. - Бу даврда унинг руҳияти, ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Чунки у энди "бола" эмас, шу билан бирга "катта" ҳам эмас. Ундаги ижтимоий қизиқишлар тизими қайта шаклланади. Ўсмирлар аввалига "катта"ларга тақлид қилиб чекса, йигитлик даврида тенгдошларидан ажралиб туриш, улардан устун бўлиш ва олифталик учун оғзига тамаки олади. Бунда атроф-муҳитнинг таъсири катта бўлади. Шунинг учун ота-оналар болаларининг ким билан дўстлашаётганлигини назорат қилсалар яхши бўларди.

Ҳайрон қоласан киши. Тамаки маҳсулотларининг инсон организмига зарарли, соғлик учун хавфли эканлигини била туриб кўпчилик чекади.

Маълумотларга қараганда, биргина Бритиш Американ Табако халқаро тамаки компанияси умумжаҳон бозорининг 15 фоизга яқин улушига эга экан. 2002 йили компания томонидан 777 миллиард қути сигарета сотилган. Рақамлардан хаёлингиз шошади. Бу қанчадан-қанча киши оргинизмини заифлаштираётир. Жумладан, юртдошларимизни ҳам.

Республикамизда тамаки маҳсулотлари савдоси махсус қонун-қоида, меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Вояга етмаганларга сотиш эса қонунга кўра тақиқланган. Аммо бундан айрим шахслар бехабар ёки билишса-да, амал қилишмайди. Бу хулосага даб-дурустдан келмадик, албатта. Масалан, эрта туриб метронинг Беруний бекатига боринг, бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз. "Университет" кўчаси томон чиқишда "тўсиқ"қа рўбарў келсангиз ҳайрон бўлманг. Бу "сигаретфуруш" аёлларнинг бизнеси. Учта стол, ҳар бирида икки нафардан олти киши. Сигареталарнинг хоҳлаган маркасидан топиб беришади. Уларнинг фаолияти нечоғли тўғри ёки йўқ, бу мутасаддиларга ҳавола. Лекин тамаки маҳсулотлари ёш болаларга ҳам сотилаётганлиги кишини ташвишга солади. Табиий савол туғилади. "Учар"лар бу маҳсулотларни қаердан олиб келишаётган экан? Бу ҳолатга солиқ ва ички ишлар ходимлари нега чек қўя олишмаяпти?

-Тирикчиликнинг айби йўқ, - дейди ўзини таништиришни истамаган 35-40 ёшлардаги аёл. - Бирпас савдо қиламиз, сўнг кетамиз...

Унинг бошқа гапиргиси келмади. Қўли-қўлига тегмай қутидаги сигареталарни бўшата кетди.

"Акциз маркалари бўлмаган тамаки маҳсулотлари солиқ органларининг қарори асосида мусодара қилиниши лозим", дейилади "Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотлари ҳамда алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида"ги Қоиданинг 4-бандида. Демакки, юқоридаги ҳолатларнинг барчасида ноқонуний равишда фаолият кўрсатилмоқда. Наҳот бу ҳеч кимни қизиқтирмаса? Ахир, тамаки маҳсулотларининг ноқонуний савдоси ёшларнинг онги, соғлигини заифлаштириши баробарида мамлакат иқтисодига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади-ку? Бу муаммонинг бир томони, холос... Бошқа жиҳатларига ҳам жамоатчилик эътибори кучайтирилиб, зарур чоралар кўрилса, чекмасдан ҳаёт завқини суриш нақадар гаштли эканлиги ёшлар онгига сингдирилса, кашандалик имкон қадар камайган бўлур эди.

**Саид РАҲМОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

